

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 9 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРЬ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I9Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 9 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Ақтамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Matajonov Rahimjon Akramovich*  
“VII-VIII ASRLARDA ARAB XALIFALIGI ISTILOSIGA QARSHI KURASHDA MAHALLIY HUKMDORLARNING O‘RNI VA ROLI” MAVZUSIGA OID INGLIZ TILLI TADQIQOTLAR TAHLILI ..... 10-16
- Облобердиев Жасурбек Косим угли*  
МЕРЫ НАКАЗАНИЯ, ПРИМЕНЯЕМЫЕ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВВ ..... 17-22

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Турсунов Бекмухаммад Омонович*  
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ ..... 23-34
- Курпаяниди Константин Иванович*  
ИССЛЕДОВАНИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЧЕРЕЗ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ ..... 35-44
- Ahmedov Shohjaxon*  
O‘ZBEKISTONDA SHAKANA SAVDONI RIVOJLANISH TENDENSIYALARI TAHLILI ..... 45-51
- Кулибоев Азамат Шоназарович*  
БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 52-62
- Рўзиев Абдумалик Ортиғалиевич*  
МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШДА МИҚДОРИЙ ВА АХБОРОТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ ..... 63-73
- Abduraxmanova Shoxida Ravshanovna*  
TIBBIYOT MUASSASALARIDA RAQOBATBARDOSHLIKNI BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISH ..... 74-80
- Davronov Istamxo‘ja Olimovich*  
МЕНМОНХОНА ХИЗМАТЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ВА СИФАТИНИ ВАНОЛАШ USULLARI ..... 81-86
- Маматов Бахадир Сафаралиевич*  
ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ ..... 87-96
- Шолдаров Дилшод Азимиддин ўғли*  
КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ..... 97-104
- Баратов Махсудали Назиралиевич*  
МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ ..... 105-116

<i>Ergashev Islom Ismoilovich</i> KESKIN RAQOBAT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARI INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI .....	117-127
<i>Қодиров Азизжон Анварович</i> ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ .....	128-136
<i>Эшонкулов Акмал Кудратович</i> ПРОБЛЕМЫ ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКОВ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	137-142
<i>Астанов Шерзод Рустамович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	143-150
<b>09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Abdullayev Ibodulla Abdullayevich</i> YOSHLARNI MILLIY G'URUR RUHIDA TARBIYALASHDA OILA VA OILAVIY QADRIYATLARDAN UNUMLI FOYDALANISH USULLARI .....	151-155
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i> BAHS-MUNOZARALARDA QO'LLANILADIGAN TUZOQLAR VA MANIPULYATSION (SPEKULYATIV) USULLAR .....	156-164
<i>Alimatova Nargis Abduxalilovna</i> BARQAROR RAQOBAT USTUNLIGI-RAQOBATBARDOSHLIK OMILI .....	165-174
<i>Allayarova Marhabo Mavlonovna</i> UCHINCHI RENESSANS DAVRIDA YOSHLAR BADIY IJODINI RIVOJLANTIRISH ZARURIYATI .....	175-179
<i>Рахманов Баҳодир</i> СИНЕРГЕТИК ТАФАККУР: ФАЛСАФИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ .....	180-186
<i>Abdiraxmanov Muzaffar Zaripbayevich</i> ABU ALI IBN SINONING XORAZM MA'MUN AKADEMISIDAGI FAOLIYATI .....	187-191
<i>Mirzaxalov Xojiakbar Tajibayevich</i> JAMIYATDA GENDER TENGLIGI MUAMMOSINING IJTIMOY-FALSAFIY TAHLILI .....	192-197
<i>Azimov Ashirali Mehmonboyevich</i> XOTIN-QIZLAR GENDER MA'RIFATINING IJTIMOY BARQARORLIKKA TA'SIRI .....	198-202
<i>Azimov Sherzod</i> PHILOSOPHICAL REFLECTION ON THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF SPORT IN SOCIETY .....	203-207
<i>Абдурахмонович Хасан Иброхимович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЎНАЛИШЛАРИ .....	208-216

**10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ***Kuliyeva Dilshoda Alijon qizi*

QUMAN TOPISHMOQLARINING O'ZBEK FOLKLORIDAGI PARALLEL SHAKLLARI ..... 217-223

*Teshabaeva Dilfuza Muminovna, Abduxalilova Gulbaxor Karabaevna*

ТУРИЗМ СОҲАСИГА ОИД СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИ ПРЕФИКСЛАР ЁРДАМИДА

ЯСАЛИШИ ..... 224-230

*Abdinazarov Uktam Qushoqovich*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA GIPPOLOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI.. 231-236

*Axmedova Shaxodat Maxmutovna*

O'ZBEK XALQ PAREMALARIDA SHIFO KONSEPTINING IFODALANISHI..... 237-241

*Ruziyev Xusniddin Baxritdinovich*

JAHON TILSHUNOSLIGIDA PAREMALAR TADQIQI ..... 242-246

*Vositov Otabek Toxirjonovich*

TABIATNING ATMOSFERA HODISASI UMUMIY MA'NOSI VA LEKSIK SEMANTIKA

GURUHLARNING STRUKTURAL XUSUSIYATLARI ..... 247-253

*Hodir Raхmatullaev*

НАЗАР ЭШОНҚУЛ НАСРИДА ШАРПА АРХЕТИПИНИНГ ТАЛҚИНИ ..... 254-260

**12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР***Мамасобиров Давронбек Эрназарович*

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ..... 261-270

*Urakov Djahongir Rajabovich, Sharipovasror Safar o'g'li*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUN HUJJATLARIDA FUQAROLIK JAMIYATI

INSTITUTLARNING HUQUQIY ASOSLARI ..... 271-276

**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Djamaldinova Shaxlo Obloberdiyevna*

OLIY TIBBIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARI HISSIY-KOMMUNIKATIV

KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH ..... 277-281

*Umarova Zaxro Abduraxim qizi*

TALABALAR MUSTAQIL TAYYORGARLIGINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART FIKRLASH

(THINKING OUTSIDE THE BOX) NING ROLI ..... 282-287

*Kadirov Ramz Turabovich*

TALABA-AKTYORLARNING SAHNA NUTQIGA OID BILIM VA KO'NIKMALARINI

TAKOMILLASHTIRISHNING SPETSIFIK TEXNOLOGIYALARI (DARS JARAYONIDAGI

MASHG'ULOTLAR MISOLIDA) ..... 288-295

*Khabiba Madaminovna Jurabekova*

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF LISTENING IN THE FORMATION OF COMMUNICATIVE

COMPETENCE OF STUDENTS IN RUSSIAN LESSONS ..... 296-302

<i>Nishonov Akmal Obidovich, Xamrakulov Xamidullo Turgunboyevich</i> KLAUSTERLI O'ZARO TA'SIR SHAROITIDA INFORMATIKA O'QITUVCHILARINING MALAKASINI OSHIRISH JARAYONINI MODELASHTIRISH MASALALARI .....	303-310
<i>Ergashev Murodbek Ikromovich</i> MUSIQA TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING KREATIV VA IJTIMOYIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD IMKONIYATLARI .....	311-316
<i>Utkirov Nusrat Kamilovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHNING KASBIY-PEDAGOGIK KOMPETENTLI TA'MINOTINI RIVOJLANTIRISH .....	317-322
<i>Yulbarsova Xurshida</i> BO'LAJAK SOTSIOLOGLARDA IJTIMOYIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILY-PEDAGOGIK JIHATLARI .....	323-329
<i>Baychayev Fazliddin Xusenovich</i> BO'LAJAK KON-METALLURGIYA SANOATI MUTAXASSISLARINING ELEKTROSTATIKAGA OID NAZARIY BILIMLARINI MUSTAHKAMLASH .....	330-335
<i>Muminov Ulmas Ravshanqulovich</i> O'ZBEKISTONDA "MAHALLA INSTITUTI" NING MAHALLIY O'Z-O'ZINI BOSHQARISH – ORGANI SIFATIDA SHAKLLANISHI, UNING HUQUQIY ASOSLARINI YARATILISHI .....	336-341
<i>Tajibayeva Ma'mura Tojidinovna</i> AJDODLARIMIZ PEDAGOGIK TA'LIMOTLARINI O'RGANISH ASOSIDA TALABALARDA G'OYAVIY DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISH .....	342-346
<i>Askarova Zulayxo</i> BOSHLANG'ICH TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNING FIKRLASH DARAJASINI ANIQLASHDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALANISH SAMARASI .....	347-352
<i>Akhmadjonova Diyora Dilshod qizi</i> EXPLORING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING THROUGH ONLINE PLATFORMS .....	352-362
<i>Jumaniyazova Go'zal</i> OLY O'QUV YURTI TALABALARINI PIRLSGA YO'NALTIRILGAN TOPSHIRIQLARNI TAYYORLASHGA O'RGATISH METODIKASI .....	363-367
<i>Xusaanova Leyla Yunusova</i> СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБУЧЕНИИ ФОНЕТИКЕ: ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ .....	368-373
<i>Xudayberganov G'ayrat Quranboyevich</i> МАТЕМАТИК КРЕАТИВ ТАВСИФДАГИ MASALALARNING BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARIDA KREATIV FIKRLASHINI FANLARARO ABSSESSIAL VA ORDINATAL BOG'LAB SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI VA ROLI .....	374-379
<i>To'xtasinov Muhammadjon</i> PEDAGOGLAR KASBIY KOMPETENLIGINI OSHIRISHDA UZLUKSIZ METODIK XIZMATNING O'RNI .....	380-384



*Eshnazarov Murod Karimovich*

GERMENEVTIK YONDASHUV ASOSIDA TA`LIM MAZMUNINI RIVOJLANTIRISH

IMKONIYATLARI .....385-391

09.00.00-Фалсафа фанлари

**Абдурахмонов Хасан Иброхимович,**  
PhD, Ижтимоий Фанлар кафедраси мудири  
Тошкент Фармацевтика Инститuti,

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Аннотация.** Илм-фаннинг ривожланишининг янги босқичига ўтиш ёш тадқиқотчилар томонидан кучли интеллектуал кадрлар тайёрлашни талаб қилади: бақувват, фаол, инновацион фикрлайдиган, рақобатбардош, ўз ривожланиш даражасини доимий равишда оширишга интилаётган, профессионал ҳаракатчанлик, масъулият ҳисси ва ижодий салоҳият улар фаолиятида устувор ўринни эгаллайди. Ушбу мақолада Ўзбекистонда ёшлар инновацион тафаккурини юксалтиришнинг устувор йўналишлари таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** илм-фан, инновация, инновацион тафаккур, тараққиёт, ёшлар дунёқараши, профессионал таълим.

**Abdurahmonov Hasan Ibrohimovich**  
PhD, Head of department Social Sciences  
Tashkent Pharmaceutical Institute,

### **PRIORITIES FOR RAISING YOUTH INNOVATION THINKING IN UZBEKISTAN**

**Abstract.** The transition of science to a new stage of development requires the training of strong intellectual personnel by young researchers: energetic, active, innovative-minded, competitive, striving to constantly increase the level of their development, professional mobility, a sense of responsibility and creative potential take priority in their activities. This article analyzes the priorities of raising Youth Innovation thinking in Uzbekistan.

**Keywords:** science, innovation, innovation thinking, Development, Youth worldview, professional education.

**Абдурахмонов Хасан Иброхимович**  
PhD, Заведующий кафедрой общественных наук  
Ташкентский фармацевтический институт,  
кандидат юридических наук, доцент

### **ПРИОРИТЕТЫ ДЛЯ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОГО МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЕЖИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Аннотация.** Переход науки на новый этап развития требует подготовки молодыми исследователями сильных интеллектуальных кадров: энергичных, активных, инновационно мыслящих, конкурентоспособных, стремящихся постоянно повышать уровень своего развития, профессиональная мобильность, чувство ответственности и творческий потенциал занимают приоритетное место в их деятельности. В данной статье анализируются приоритеты воспитания инновационного мышления молодежи в Узбекистане.

**Ключевые слова:** наука, инновация, инновационное мышление, развитие, мировоззрение молодежи, профессиональное образование.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I9Y2023N26>

Бугунги кунда ёш олим нафақат профессионал билим, кўникмага эга мутахассис, балки илмий фаолияти мавжуд стереотипларни енгиб ўтишга, инновацион ғояларни ишлаб чиқишга, ўз шахри, вилояти, мамлакатининг долзарб вазифаларини самарали ва янгича ҳал этишга ёрдам берадиган инсон бўлиши лозим. Турли мутахассислик ва илмий йўналишдаги олимларни бирлаштирадиган, уларнинг қизиқиши, ишлаши, ғайратлиги, мақсадга эришишда қатъиятлилик, ўз фаолияти самарадорлигининг ўлчовини белгилайдиган умумий хусусият ҳозирги кунда инновацион фаолиятдир. Бироқ, замонавий илмий адабиётларни таҳлил қилишда биз аксарият ёш олимларга нисбатан инновацион фаолият тушунчаси ҳалигача сингдирилмаганлигига гувоҳ бўлдик.

Бу жараёнда ёш олимнинг инновацион фаолияти билан интеграциялашган касбий ва шахсий таълим олиш тизимини уйғунлаштирган ҳолда ўрганиш кўзланган мақсадимизга эришишга ёрдам беради. Чунки биринчидан, бундай парадигмал ёндашув олимга фанда мақсадли ривожланишига имкон беради. Иккинчидан, инновацион тафаккур юритиш асосида фаол иш юритиш унга ижодий, мустақил равишда (ёки бошқа олимлар билан ҳамкорликда) инновацион ғоялар, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, жамиятнинг ҳозирги эҳтиёжларига жавоб берадиган инновацион маҳсулотлар яратишга замин яратади. Учинчидан, инновацион тафаккур ёшларга хос ҳаракатчанликда, ташаббускорликда, ўрганилаётган мавзу бўйича ўзига хос ёндашувлар, тадқиқот усуллари, ўз лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш воситалари ва тегишли маҳсулотларни бозорда уларни амалга ошириш усуллари излашда ўзини яққол намоён этади. Биз инновацион фаолиятни ёш олимларнинг қизиқишлари, қобилиятлари, мажбуриятлари, уларнинг изланишларига йўналтириш ва ишлаб чиқаришнинг ҳар хил турларида қўлланилиши мумкин бўлган янги натижаларга эришиш вазифасини бажарувчи махсус таълим сифатида баҳоланишини тўғри деб ҳисоблаймиз. Чунки айнан ёшларга хос инновацион фаолият таркибидаги ўзаро боғлиқ бўлган бешта — мотивацион, когнитив, ҳиссий, ихтиёрий, операцион-фаолиятни мавжуд. Масалан, Ш.Кубаева тўғри таъкидлаганидек, “Инновацион тафаккурда семантик унсурлар ўйин ҳолатида бўлади, интеллектуал ўйин жараёни эса грамматик, стилистик ва мантикий қоидаларга (нормаларга) бўйсунган ҳолда кечади. Бу эса тафаккурда ижодий интеллектуалликни ошириб боради, инновацион ғоялар яралишига асос яратади. Бизнингча, ижодий интеллектуал фаолият ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси ёки жараённинг таркибий қисмини ташкил қилганда жамиятда узлуксиз моддий-техникавий ва маънавий-интеллектуал тараққиёт содир бўлади”[1].

Инновацияларга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш қуйидаги натижаларга олиб келади:

- олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларидан қониқиш;
- илмий изланишларни амалга ошириш жараёни билан боғлиқ ижобий ҳис-туйғулар, кашфиётлар учун ташналик ва бошқалар.

Ёш олимнинг иродасини ривожлантириш даражаси қуйидагилар билан характерланади: операцион ва фаолият компоненти инновацион ғояларни қидириш ва танқидий баҳолаш қобилияти; зарур касбий кўникмалар, илмий-тадқиқот маҳоратлари, тажриба, илмий ихтисослик, услубий маданият, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, инновацион технологияларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш имконини берадиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини билиш соҳасидаги профессионал ваколатларнинг етарли даражада ривожланганлиги; жамоада самарали ишлаш қобилиятига эгалик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Инновацион тафаккур қилиш қобилиятига эга бўлган инсонларда ташаббускорлик, мустақиллик, қатъиятлилик, ўз зиммасига масъулиятни олиш, ташкилотчилик, интизомлилик, мақсадга эришишда ва уни охиригача етказишдаги қатъиятлилик, янги илмий натижага эришиш ва инновацияларни жорий этишда ташқи ва ички тўсиқларни енгиб ўтиш қобилияти, дастлабки тушунмовчилик ҳолатида чидамлилик ва қатъиятлилик, анъанавий қарашларга зид бўлган янги ғояларни рад этиш, дастлабки фаразларни инкор этган тақдирда янги ишга киришишга тайёрлик, ўз тадқиқотини ихтиёрий тартибга солиш қобилияти, ўзгаришларга, инновацияларга, хатарларни қабул қилиш қобилиятига эга бўлиш устувор аҳамият касб этади[2].

Инновацион технологиялар тўғрисидаги билимларнинг когнитив компоненти эса долзарб илмий муаммоларни ҳал этиш нуқтайи назаридан инновациялар мақсадларини тушуниш, илмий ихтисослашиши соҳасидаги замонавий инновацияларни билиш, билимларни фанлараро асосда бирлаштириш имкониятини берадиган кенг дунёқарашни шакллантириш, дивергент, ижодий, назарий, амалий, интуитив фикрлашни ривожлантиришнинг етарли даражасига олиб чиқиш, фикрлашнинг мослашувчанлиги, маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашнинг устун бўлган когнитив услуги, прогностик ҳамда ўз инновациясининг натижаларини танқидий таҳлил қилиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қилади. Шу боисдан ҳам “Инновацион тафаккур учун асос бўладиган тафаккур дивергент тафаккурдир деб ёзади Ш.Т.Кубаева. Психологларнинг таъкидлашларича, бу тафаккур теранлик хислатига эга бўлиб, бир вақтнинг ўзида турли семантик (идеал, маъновий) йўналишларда образлар, тушунчалар, уларнинг мазмунлари таҳлил қилинади, таққосланади, ижодкорда параллель фикрлаш содир бўлади, муаммоларни ечиш усуллари ва воситалари ҳар хил вариантларда синалади, ишлатилади, натижада, янги ёки кутилмаган ғоя, ёндашув вужудга келади. Шу боис, биз дивергент тафаккурни конструктив тафаккур деб ҳам белгилашимиз мумкин”[3].

Инновацион технологияларнинг муҳим хусусиятлари, инновацион фаолият тўғрисида билимларни шакллантириш, ёш олим шахсининг интеллектуал салоҳиятини ташкил этувчи тафаккур ва фикрлашнинг ҳар хил турлари ва хусусиятларининг ривожланиш даражаси; кундалик ҳаётда муаммони кўриш қобилияти; катта истиқболли мақсадларни белгилаш қобилиятини юксалтиришга ёрдам беради.

Ёш олимларнинг илмий фаолияти самарадорлигининг кўрсаткичлари уларнинг танловларда, инновацион конвенцияларда, илмий кўргазмаларда фаол иштирок этиши, грантларга буюртмалар, шахсий ва жамоавий илмий ютуқлар, турли даражадаги конференцияларда қатнашиш, нашрларнинг сони, патентларнинг мавжудлиги ва бошқалар билан белгиланади.

Юқорида танланган мезонлар, омилар ва кўрсаткичлар асосида биз ёш олимларнинг инновацион фаолиятини ўрганиш бўйича махсус диагностика дастурини туздик, унга қуйидаги диагностика воситалари киритилган:

1) ёш олимларнинг илмий фаолияти муаммолари ва самарадорлиги кўрсаткичларини ўрганиш учун сўровномаларни тузиш;

2) шахснинг ижтимоий-психологик фаолияти мотиваторларини ташхислаш усулини ишлаб чиқиш;

3) ижодий ютуқ мотивациясини ташхислаш усулини такомиллаштириш;

4) муваффақият қозониш учун муваффақият мотивацияси ва муваффақиятсизликдан қўрқиш ташхисини қўйиш усулини ишлаб чиқиш;

5) мотивацион ва педагогик имтиёзларни ташхислаш усулини такомиллаштириш;

6) ижодий ва инновацион рақобатбардошликни тезкор ташхис қилиш методологиясини яратиш;

7) ахборотни ўзлаштириш услубини аниқлаш методологиясини такомиллаштириш;

8) жамоада шахснинг ташкилий қобилиятини психологик баҳолаш методологиясини яратиш;

9) илмий ва касбий фаолиятда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг диагностика усулини такомиллаштириш;

10) ёш олимларнинг илмий раҳбарлари ва ёш олимлар билан суҳбатини мунтазам ташкил қилиш мониторингини ишлаб чиқиш;

11) ёш олимларнинг илмий фаолияти натижаларининг таҳлили нашр этилган ва ихтирочилик фаолияти параметрларини қамраб олган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари орқали ҳам белгиланади.

Ёш олимларнинг инновацион фаолиятини рағбатлантирувчи омиларнинг биринчи гуруҳи объектив экологик омилардир. Буларга қуйидагилар киради: ташкилотлар, университетлар, муассасаларнинг инновацион сиёсати; илмий ёки ишлаб чиқариш фаолиятининг тури ва хусусияти; корхона, ташкилот, университетнинг молиявий ҳолати; ёш олимларнинг мотивацион муносабатлари; аниқ илмий ва педагогик тадқиқотларнинг хусусиятлари, жамоанинг малакавий таркиби, ёш олимлар орасида илмий даража ва илмий унвонларнинг мавжудлиги, ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларнинг табиати. Иккинчи гуруҳ субъектив омилардир. Буларга қуйидагилар киради: жинс, ёш; шахсий фазилатлар (тадқиқот учун муҳим бўлган, мартаба ўсишига қизиқиш, юқори профессионалик, янгиликка эътибор бериш); хорижий тилларни ва ахборот-коммуникация технологияларини билиш[4].

Ёш олимларнинг инновацион фаоллигини ривожланишига таъсир этувчи омиларни, шунингдек, давлат, жамият ва сиёсат томонидан фан ва таълим соҳасидаги умумий, шунингдек, таълим муассасаси, ташкилот, корхона микро даражада аниқланадиган глобал даражага ажратиш мумкин. Тадқиқот давомида биз ёш олимларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун яратилган қатор шарт-шароитларни асослаб бердик, бунга қуйидагилар ҳам киритилган:

1) ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ташкилий-бошқарув доираларини кенгайтириш орқали ёш олимларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш (шу жумладан минтақавий миқёсда) ёш олимлар билан ишлаш шакллари;

2) ёш олимларнинг инновацион фаоллигини рағбатлантирадиган ва ўзларининг илмий ютуқларини намойиш этишларига имкон берадиган илмий тадбирларнинг (шу жумладан танлов асосида ўтказиладиган) турларининг сони ва турларининг кўпайиши;

3) ёш олимларнинг инновацион тадқиқот фаолиятига бўлган қизиқишини шакллантириш;

4) ёш олимларнинг ахборот-коммуникация компетенциясини ривожлантириш даражасини ошириш;

5) мактаб ва ўқувчилик давридан бошлаб ёшларни илм-фанга жалб этиш бўйича иш шакллари ва усулларини такомиллаштириш;

6) ёш олимлар ва талабаларга инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва уларни тақдим этишда, грант танловларига ариза ёзишда ва илмий лойиҳаларни амалга оширишда ташкилий жиҳатдан кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш; тадқиқот натижаларини тайёрлаш ва нашр этиш;

7) ёш олимлар билан ишлашга жалб қилинган барча тузилмалар ўртасида яқин алоқа ўрнатиш;

8) касбий алоқаларни ривожлантириш, халқаро ҳамкорлик ва ёш олимларнинг академик ҳаракатчанлигини ошириш, университетлараро профессионал тармоқларни яратиш;

9) ёш олимларнинг касбий ўсишига ёрдам берадиган, малака оширишнинг мавжуд шакллари такомиллаштириш ва янада ривожлантириш, уларнинг фаолиятини ахборот ва маслаҳат билан таъминлаш;

10) университет, вилоят, мамлакат ёш олимлари фаолиятини ахборот билан таъминлаш, ёш олимлар кенгашлари сайтларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир. Ушбу шарт-шароитлар биз тақлиф қилган ёш олимларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар моделимизнинг асосини ташкил этди.

Ҳозирги даврда талабалар ва ёш олимларнинг миллий ва хорижий таҳлилий журналларда чоп эттирган мақолалари, патентлар ва интеллектуал мулкка оид бошқа ҳужжатлари, уларнинг диссертацияларини ҳимоя қилиш динамикаси, уларнинг ҳаракатчанлик кўрсаткичлари, илмий жамоалар, илмий-тадқиқот марказларида ишлашга қанчалик даражада жалб қилинганлиги ҳам уларнинг инновацион тафаккур даражасини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам бугунги кунда “Ёшларни илмий-техник изланишларга жалб этиш, биринчи томондан, миллатимиз фарзандларини дунё илм-фани, технологиялари билан шуғулланишга ундайди, уларда интеллектуал изланишларга қизиқиш уйғотади; иккинчи томондан, маҳаллий инновацион ишланмалар бизнинг хўжалигимизга арзон тушади, уларни тинмай такомиллаштириш, модернизациялаш имкони пайдо бўлади; учинчи томондан, мазкур инновацион ишланмаларни чет элларга сотиш, хўжалигимиз учун зарур валюталарни, инвестицияларни олиб кириш мумкин бўлади. Энг муҳими инновация мамлакатни модернизациялашни дадил давом эттириш имконини беради, инновация модернизация, модернизация эса, ўз навбатида, инновация тарзида келади. Инновация

ва модернизация косубстанционал ҳодисалар бўлсада, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларини ечишда уйғундир”[5].

Ёш олимларнинг инновацион фаолиятининг хусусиятларини ҳар томонлама ўрганишга имкон берадиган диагностика воситалари ишлаб чиқилган ва муваффақиятли синовдан ўтказилган; бир-бирини тўлдирувчи бир нечта концептуал моделлар асосли (ёш олимларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш шартлари модели; минтақавий даражада ёш олимларнинг манфаатларини ифода эта оладиган ёш олимлар ва маъмурлар билан ишлашга жавоб берадиган университет бўлимларининг ҳамкорлик модели шулар жумласидандир.

Тадқиқотимизда олинган эмпирик маълумотлар асосида замонавий рақобатдош ёш олимнинг умумлаштирилган портрети тузилган. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, лойиҳа муаллифлари томонидан ишлаб чиқилган диагностика воситалари, инновацион фаолиятни ривожлантириш концепцияси ва ёш олимларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб-қувватлаш, шу қаторда ёш олимларнинг илмий фаолият соҳасидаги инновацион фаолиятини рағбатлантириш шартлари ва усуллари, ёш олимлар кенгашлари фаолиятини ташкил этиш учун услубий материалларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ёш олимлар кенгашлари, талабалар илмий жамиятлари, ёшлар ишлари бўйича мутахассислар, университетларнинг илмий бўлимлари фаолиятини ёшларни фанга жалб қилиш, илмий салоҳиятни аниқлаш ва изланувчилар, ёш фан докторлари фаолиятини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин[6].

Бугунги кунда мамлакат тараққиёти ёшлар орасида инновацион фаолиятга зарур рағбатни шакллантириш, янгиликларга ижобий муносабат ва ушбу янгиликларга тайёрлик билан боғлиқдир. Инновацион иқтисодиётга ўтиш ёшлар билан ишлашнинг мавжуд ёндашувларини кўриб чиқиш ва уларнинг инновацион хатти-ҳаракатларини шакллантириш учун янги технологияларни яратиш муаммосини юзага келтирмоқда. Ёшлар ҳаётининг одатий соҳасига инновацион турмуш тарзини жорий этиш бошқа авлод гуруҳларига қараганда анча муваффақиятли натижалар бериши мумкин, чунки ёшлар мамлакат ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида пайдо бўладиган барча нарсаларга жуда сезгир, ижодий интеллектуал энергия ва ижтимоий фаолликка тайёр қатлам ҳисобланади.

Ёшларнинг инновацион хатти-ҳаракатларининг шаклланишига, бир томондан, объектив омил — ёшларнинг жамиятнинг ижтимоий тузилишига қўшилишида воситачилик қиладиган ўзгарувчан объектив ва субъектив шароитлар таъсир қилади, бу ёш авлоднинг хулқ-атворининг шаклланишига ҳам, ижтимоий тузилманинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Бошқа томондан, ёшлар онгида акс эттирилган ижтимоий тараққиёт омиллари уларнинг хатти-ҳаракатлар дастурларида уларнинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, стереотиплари, қадриятларига ҳам жиддий таъсир қилади. Шу билан бирга, фақат ёш авлод қадрият йўналтиришларининг янги тизимига асосланган хатти-ҳаракатларнинг стереотипларини енгишга қодир. Бунинг учун ёшларда барча объектив шарт-шароитлар мавжуд: фикрлаш ва фаолиятнинг ижодий табиати, юқори ижтимоий ва иқтисодий ҳаракатчанлик, психологик мослашувчанлик, янги қадриятлар тизимини амалда татбиқ этиш истаги, янги ноанъанавий билимларни қабул қилиш учун очиқлик ва бошқалар.

Ёшларнинг ижтимоий муносабатларга қўшилиши ўз-ўзидан амалга оширилмайди. Муваффақиятли ижтимоийлашув учун ҳар бир ёш авлод вакили бошқаларни тўғри тушуниши ва ҳамдард бўлиши, фидойи хайрли ишларни бажариши, мустақил қарорлар қабул қилиши ва масъулиятли ҳаракатларни олиб боришни оқилона режалаштириши, ижтимоий муносабатларда ваколат кўникмаларга ҳам эга бўлиши керак. Чунки айнан оила, жамият, кичик гуруҳлар, шахс ва давлат инновацион масъулиятли хатти-ҳаракатларни тартибга солиш субъектлари ҳисобланади. Инновацион тараққиёт сабаб барча соҳалардаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда.

Жамиятнинг инновацион ривожланиши босқичида таълимнинг ҳар бир шахснинг ривожланиши учун энг қулай бўлган зарур ижтимоий муносабатларни шакллантириш билан боғлиқ ижтимоий функциясини амалга ошириш талаб қилинади.

Ёшлар ўртасида инновацион хатти-ҳаракатларнинг ўзига хос моделини шакллантириш ва ривожлантириш давлатнинг умумий муваффақиятининг таркибий қисми ҳисобланади. Яъни, инновацияларни амалга ошириш воситаси сифатида, инновацион хатти-ҳаракатлар — бу ҳаётнинг янги стандартлари учун замин яратишга имкон берадиган махсус кадриятга айланади. Ёшларнинг инновацион позициясини шакллантириш механизмлари парламентаризм ва лойиҳавий фаолият бўлиб, ёшларга ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол иштирок этиш имкониятини беради. Инновацион механизмлар махсус ижодий муҳитни яратишга, ёшларнинг ўз шахсий маконини яратишга асосланади. Ижтимоий ва педагогик фан нуқтайи назаридан, ижтимоий масъулиятли ва инновацион хулқ-атворни тарбиялашнинг шахсий қиймати ёшларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини қондириш истагида ётади. Унинг ижтимоий аҳамияти эса жамиятнинг идеаллари ва кадриятларини сақлаш ва ривожлантириш заруриятида яққол намоён бўлади. Давлатнинг инновацион фаолиятга таъсири асосан фуқароларнинг ташаббускорлик ҳаракатларини тартибга солиш, ижтимоий ташаббусларнинг педагогик, ижтимоий, иқтисодий ва фуқаролик таъсирини тан олишда намоён бўлади[7].

Инновацион хулқ-атворни шакллантириш шахсий эркинлик принципига риоя қилишни англатади, уни амалга ошириш қўйидагиларни англатади:

- ижтимоий масъулиятли фаолиятни муайян бир кишининг (гуруҳнинг) эҳтиёж ва манфаатларини қондиришга йўналтириш;

- шахснинг (гуруҳнинг) инновацияларининг ижтимоий аҳамиятини ўз кўзида ва бошқаларнинг назарида таъминлаш;

- эришилган натижаларни ижтимоий-педагогик баҳолашнинг мунтазамлиги ва тизимли хусусияти;

- ҳар бир ташаббускор учун ўзини такомиллаштириш, шахсий мартаба учун имкониятларни тақдим этиш.

Давлат томонидан инновацион хатти-ҳаракатларнинг шаклланиши ижтимоий сиёсат ва иқтисодиётнинг ҳолатини табиий ўзаро боғлиқлигини акс эттирадиган эркинлик принципига риоя қилишни ўз ичига олади. Ушбу тамойилни амалга ошириш қўйидагиларни англатади:

- ташаббускорлар (ташаббускор гуруҳлар) ва давлат муассасалари ўртасида бюрократик тўсиқлар йўқлиги;



- давлат органларининг мафкуравий ёки сиёсий платформаларидан қатъи назар, қонун доирасида фаолият юритаётган жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларга тайёрлиги;

- фуқаролик жамияти институтларини рақобат асосида зарур ресурслар билан таъминлайдиган маҳаллий ресурс марказлари ва ривожланиш фондларини яратиш;

- маслаҳат беришни ташкил этиш, жамоат секторида ўқитувчиларнинг касбий малакасини ошириш учун очиқ тизим, жамоат бирлашмалари билан ишлайдиган давлат хизматчилари учун ўқув семинарлари ўтказиш;

- ижтимоий буюртмалар тизимини ишлаб чиқиш ва тарқатиш, грантларни танлов асосида жойлаштириш, ижтимоий лойиҳалар танловини эълон қилиш.

Давлат томонидан инновацион хулқ-атворни шакллантириш қонунини акс эттирувчи очиқлик тамойилига риоя қилиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- фуқаролик жамияти институтларининг ҳукумат қарорларини қабул қилиш ва тузатишда фаол иштироки;

- ижтимоий ривожланишни бошқаришнинг мазмунини, шаклларини, усулларини, воситаларини аниқлашда мустақилликни сақлаш; тармоқлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

- ижтимоий ташаббускорлик фаолиятининг ижобий имиджини яратиш учун оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан фойдаланиш.

Ўз-ўзини тарбиялаш ва инновацион хатти-ҳаракатларнинг гуруҳини шакллантиришнинг етакчи функцияси бу ижодкорлик, ихтиёрий ҳаракатлар ва мулоқотда намоён бўладиган моддий ва маънавий маданиятнинг бойликларини ўзлаштириш асосида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўзгаришларни амалга ошириш қобилиятидир[8].

Жамият институтлари томонидан ёшларнинг инновацион хатти-ҳаракатларини шакллантиришнинг етакчи вазифаси — бу бутун жамиятни шахснинг (гуруҳнинг) эҳтиёжларини қондиришга, эркин ва тенг ҳуқуқли жамият фаолиятининг қадриятлари, вазифалари ва нормаларини мустаҳкамлашга ва тарқатишга қаратилган ёшларнинг биргаликдаги фаолияти учун шарт-шароитлар яратишда намоён бўладиган интеграциядир.

Давлат институтларининг етакчи вазифаси тартибга солишдан иборат бўлиб, аниқ белгиланган қоидалар, шартлар ва шароитлар мавжудлигини ҳисобга олиб, нормаллаштирилган табиатни шакллантириш жараёнини таъминлайди. Инновацион фазилатларни муваффақиятли намоён этиш учун ёшлар доимий ижодий ўзини-ўзи ривожлантиришга эътиборни қаратиши, гуруҳнинг бошқа аъзоларининг имкониятларини кўриши ва улардан тезкор фойдаланиши, ўзини ва бошқаларни объектив баҳолаш истаги, можароли вазиятларнинг конструктив ечимини топиш қобилияти, истиқбол ва ижобий бағрикенгликни ижобий идрок этишга тайёр бўлиши керак.

Инновацион ва ижтимоий масъулиятли хулқ-атворни шакллантириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ёшларнинг ижтимоий-масъулиятли турмуш тарзини ривожланишини таъминлайдиган шахсий интеллектуал ресурсни шакллантириш, уларнинг

салоҳиятини рўёбга чиқариш учун самарали восита сифатида инновацион қадриятларнинг устунлигини таъминлаш;

- интеллектуал, ижодий фаолият учун шарт-шароит яратишга қаратилган оилавий ресурсларни шакллантириш;

- ижтимоий қадриятлар ривожланишини таъминлайдиган таълим муҳитига инновацион ижтимоий ва таълим технологияларини жорий этиш;

- ҳудудларнинг инновацион ва таълим эҳтиёжларини таҳлил қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, инновация феномени спецификаси ўз асосига кўра, янгиликка йўналтирилган бўлади, демакки, маданият келажагига, иккинчидан, у ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида маданиятнинг бугунини акс эттиради.

Иккинчидан, инновация субъектининг креатив-назарий ва предметли амалий фаолиятининг ўзаро ҳамкорлиги воситасида шаклланади.

Учинчидан, инновация фаолият диалектик ривожланишининг бош манбаи сифатида қаралмоқда.

Тўртинчидан, инновация мураккаб ижтимоий-маданий феномен, у ўз даври позициясидан келиб чиққан таърифни, асосланишни талаб қилади.

Бешинчидан, инновация ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида ўзида маданият бугунининг барча тенденцияларини мужассам қилади, янгиликка йўналтирилган феномен сифатида эса ўзи билан маданият келажагини олиб келади.

Олтинчидан, инновация ривожланишининг янги пост индустриал босқичининг объективлашувининг ижтимоий-маданий модели сифатида белгиланади.

### Адабиётлар/Литература/References:

1. Кубаева Ш.Т. Ўйин ва инновацион тафаккур (онтологик ва гносеологик таҳлил). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд 2019. –Б.22.
2. Abdurahmonov N. I. ROLE AND IMPORTANCE OF EDUCATIONAL MODELS IN THE FORMATION OF INNOVATIVE THINKING IN THE WORLD OF YOUTH //Актуальные вопросы современной науки. – 2020. – С. 6-8.
3. Кубаева Ш.Т. Ўйин ва инновацион тафаккур (онтологик ва гносеологик таҳлил). Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд 2019. –Б.20.
4. Абдурахмонов Х. И. Развитие общества и инновационное мышление //Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2020. – С. 100-102.
5. Абдуллаева И.Ф. Миллий тараққиётнинг янги босқичида иқтисодий ва инновацион тафаккур уйғунлиги. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Самарқанд-2019. –Б.17.
6. Абдурахмонов Х. И. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ЁШЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ПОТЕНЦИАЛИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ //Tafakkur manzili. – 2023. – Т. 4. – С. 23-29.
7. Абдурахмонов Х. И. СОЦИОКУЛЬТУРНЫЕ ФАКТОРЫ УВЕЛИЧЕНИЯ ИННОВАЦИОННОГО МЫШЛЕНИЯ В ОБЩЕСТВЕ //НАУКА И ИННОВАЦИИ В XXI ВЕКЕ: АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ, ОТКРЫТИЯ И ДОСТИЖЕНИЯ. – 2020. – С. 114-116.
8. Abdurahmonov N. I. INNOVATIVE THINKING AND ITS FORMS OF MANIFESTATION //Теория и практика современной науки. – 2020. – №. 8 (62). – С. 3-6.

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 9 (3) – 2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари**” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).